

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ**

1-МЖ-12 гуруҳ талабаси  
**Бекмурадова Гулсанам Ихтиёр қизи**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Мавзу: Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва  
самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари  
(Янгиқўрғон тумани мисолида)**

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

## Аннотация

Бекмурадова Гулсанам Ихтиёр қизининг Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари (Янгиқўрғон тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисини бандлигини таъминлашнинг назарий асослари, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва модернизация шароитида қишлоқ жойларида ишсизликни бартарф этишнинг асосий йўналишлари ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлиги тахлили ва Янгиқўрғон туманининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари тахлили тахлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш ва қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги:** Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки ҳар бир инсонга меҳнат қилиш ҳуқуқидан иложи борича тўлароқ фойдаланиши учун имкониятлар яратиш ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қаторига киради. Айти пайтда, иш билан бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини ҳам таъминлайди.

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек «...аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. 2016 йилда 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2016 йилда олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларнинг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлашимиз даркор.

Ёшларимиз, фарзандларимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини назарда тутган ҳолда, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига бу борадаги ишлар учун улар шахсан жавобгар эканини яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан.»<sup>1</sup>

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида яшаганлиги боис уларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар. Маълумки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга. Ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бири қишлоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мавсумийлигини пасайтириш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишдир.

Ҳозирги мураккаб ўтиш даврида олдимизда турган долзарб вазифалардан бири-аҳолининг иш билан бандлик кўрсаткичларини яна ҳам оширишдан иборатдир, мамлакатимизда вужудга келган демографик ва ижтимоий вазият, энг аввало аҳоли сонининг ҳамда ишга жойлашишга муҳтож бўлган фуқаролар сонининг мунтазам кўпайиб бораётгани, ишга яроқли аҳолининг қишлоқ ва шаҳарда, мамлакат регионларида номутаносиб тақсимланганлиги, аҳоли таркибида ёшлар ҳиссасининг салмоқли эканлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар бу вазифанинг долзарблигини белгилайди.

Маълумки, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани аҳолисининг тез ўсиши бўйича туманлар орасида олдинги ўринларда туради. Бу ҳол бандлик тизими мукамаллашмаган, аҳоли миллий республикада иқтисодиёт тармоқлари бўйича номутаносиб тақсимланган, иш жойлари, айниқса қишлоқ

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

жойларида, етишмаётган вазиятда меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, уларни сифат жихатдан такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш жойлари яратишнинг минтакавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яқин ва ҳолис истиқболдаги йўналишларини ишлаб чиқиш, иш ўринлари яратишнинг самарали услубларини татбиқ қилишни эътиборга олиш диплом ишини мавзуси долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳнат бозори, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, бандлик ва иш жойлари ташкил этиш муаммоси, унинг кўплаб қирралари россиялик иқтисодчи-олимлар Л.Леонтьева, В. Баркасов, С. Волков, В.Былков, Г. Руденко, Л. Покрытая, И. Маслова ва ўзбек иқтисодчи олимлари, хусусан, Қ.Ҳ. Абдурахмонов, А.Абдуғаниев, Х.Абулқосимов, М.Йўлдошев, Л. Максакова, М. Мирзакаримова, Б. Муртазаев, Н. Нарзиқулов, Д. Ортиқова, Д.Рахимова, З.Толаметов, Т.Эргашев, З.Худойбердиев, Р.А.Убайдуллаева каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган ва уларнинг илмий ишларида муаммонинг айрим томонлари ёритилган.

**Диплом ишининг мақсади.** Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда Диплом ишида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

- Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий–иқтисодий моҳиятини ўрганиш;
- Модернизация шароитида қишлоқ жойларида ишсизликни бартарф этишнинг асосий йўналишлариини кўриб чиқиш;
- Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишнинг устувор йўналишлариини ўрганиш;
- Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани аҳолиси таркиби ва иқтисодий-ижтимоий жихатдан ривожланишини тахлили;
- Янгиқўрғон туманида аҳоли бандлиги ва ишсизликнинг мавжудлигини тахлил қилиш;
- Янгиқўрғон туманида бандлик сиёсатини юритиш ва ишсизликни камайтириш чоралари тахлили;
- Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат билан банд этишнинг самарадорлигини ошириш йўлларини кўрсатиш;
- Хорижий мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш борасидаги тажрибалари ўрганиб улар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Диплом ишининг объекти** сифатида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани белгиланган.

**Диплом ишининг предмети** сифатида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида туманининг қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини мажмуи танланди.

**Диплом ишининг услубий ва назарий асосини** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатида оид асарлари, Қишлоқ хўжалиги инфиратузилмасини ривожлантиришига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Битирув малака иши бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ва Тўрақўрғон тумани хокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

**Диплом ишининг амалий аҳамияти** шундан иборатки, ишда фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши, қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиги стратегиясини қўллаш ва ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг аграр сохаларида фермер хўжаликлари истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда Наманган вилояти хокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Диплом ишининг таркиби** Битирув малака иши Қириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

# **1 боб Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолисини бандлигини таъминлашнинг назарий асослари**

## **1.1. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий–иқтисодий моҳияти**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилувчилари муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс—ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодийтимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. 2016 йилда 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2016 йилда олий ўқув юртлири, лицей ва коллежларнинг 510 мингдан ортиқ битирувчиларини иш билан таъминлашимиз даркор.

Ёшларимиз, фарзандларимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини назарда тутган ҳолда, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига бу борадаги ишлар учун улар шахсан жавобгар эканини яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан”<sup>2</sup>. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шартлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзини ишчи кучига эгаллик ҳуқуқига эга булади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида”ги қонунида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгаллик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган хар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йул қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди”<sup>3</sup>.

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири-унинг меҳнат соҳаси ва у билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қондириш йўлларини очиб беради. Иш билан бандлик одамлар иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади. Бироқ иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонент билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қўйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик—фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.<sup>4</sup>

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиб беради. Аҳолининг иш билан бандлик модели-жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир. Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги, иш билан таъминланганлик, банд аҳоли, ишсизлик масалаларининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини аввало назарий жиҳатдан ўрганмоқ керак.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.


Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъи назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат иш бажарганлар; б) касаллиги ёки

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.- Т.: “Адолат” 1998й.10-б.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Қ.Х Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик.Тошкент “Меҳнат”-2004 йил 29 бет.

жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлар; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар;

### 1-расм



1.-расм. Иш билан таъминланганлик ва банд аҳоли тушунчаси<sup>5</sup>

в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслардан ташкил топади.

Маълумки, меҳнат бозорида ишчи кучига булган талаб, унинг таклифига бир катор омиллар таъсир курсатади. Бу омиллар таъсирида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбатан ўзгариб туради. (2- расм )

Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат— инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англалганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради.

<sup>5</sup> Турсунов М. “Меҳнат ҳуқуқи” Ўқув қўлланмаси. -Т «Меҳнат», 2002, 14--6.



**Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифига таъсир этувчи омиллар<sup>6</sup>**

<b>Омиллар</b>		
<b>Меҳнат бозорида</b>	<b>Ишчи кучига булган талабга</b>	<b>Ишчи кучи таклифига</b>
- аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар;	- Республика ва Вилоятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси;	- демографик (туғилиш ва ўлим даражаси, ишга ярокли аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг жинсий таркиби);
- кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезони;	- ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви;	- миграция (аҳоли ва меҳнат миграцияси);
- иш билан бандликдаги тармок ва ҳудудий ўзгаришлар;	- ишлаб чиқариш хажмига, унинг ўсиш суръатига;	- ижтимоий-иқтисодий (иш ҳақи даражаси, нафақа таъминоти ҳолати, ишсизлик даражаси);
- меҳнат ресурсларини тартибга усулига.	- иқтисодий фаолиятдаги умумий шарт-шароитлар (иш берувчининг даромад даражаси, иш ўринларини яратишдаги имтиёзлар).	- давлат фаолияти (бандликни тартибга солиш).

Меҳнат—ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жараёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли ўлароқ, иш билан бандликни одамларнинг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги

<sup>6</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

унинг аввал, бошдан инсонга, унинг манфаатларига ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

Иш билан бандликнинг энг кам деганда тўрт ижтимоий жиҳатини (аспектини) ҳисобга олиш керак бўлади:

а) иш билан бандлик инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи — меҳнат ҳуқуқи билан мустақкам боғлиқлигидир;

б) турмуш даражасини ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айнан иш билан бандлик, меҳнат фаоллигини ошириш ҳозирги вақтда меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим қафолатидир;

в) ҳар кимнинг ва умуман жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги сабабини шакллантириш;

г) айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга кўшиб қаралганда иш билан бандлик ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак, ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўллари билан белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири бўлиб, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти ана шу муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқдир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандликнинг асосий хусусиятлари:

- иш билан тўлиқ ва самарали бандликни бирга кўшиб олиб боришни балансли ҳолга келтириш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳамда вазибаларининг уйғунлашуви, ходимларнинг ижтимоий боқимандаликга барҳам бериш, муносиб турмушни таъминлайдиган иш топиш имконияти учун фуқаро билан давлатнинг баравар масъулияти;
- меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида уни сарфлаш тармоқлари, соҳалар, касблар ва ҳудудлар ўртасида ишчи кучининг эркин ҳаракати;
- янги меҳнат сабаби, тадбиркорлик ва ходимларнинг юқори унумли меҳнат қилишдан кучли манфаатдорлиги;
- бозор иқтисодиётининг салбий оқибатларини меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, аниқ мақсад билан юмшатиб бориш.

Бу хусусиятлар иш билан бандликнинг янги сифат хусусиятларини белгилаб беради, уларнинг шаклланишига тегишли иш билан бандлик сифати мос келиши лозим. Биз иш билан бандлик сиёсатини кўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита ва бавосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараб чиқамиз. Бунда

иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари иш билан бандликнинг норматив ҳолатини акс эттириши керак, ҳозирги кун муаммоларини ҳал қилиш билан бундай ҳолатга эришиш мумкин. Макродаражадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришга: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шarti бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилгандир.

Бугунги кунда иш билан бандлик қатор омиллар таъсирида шаклланади:

1. Қайта қуриш жараёнлари келтириб чиқарган иқтисодиётдаги глобал тузилмавий ўзгаришлар, яъни:

- давлат сектори трансформацияси;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- хўжалик юритишнинг янги шакл ва турларини ривожлантириш (кооперация, ижарадаги корхоналар ва бошқа меҳнат жамоалари);
- зарар келтирадиган, экологик зарарли корхоналарни тугатиш;
- республика вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг бошқарув аппаратини қисқартириш.

2. Ишлаб чиқариш соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар:

- хом ашё, материалларни етказиб бериш ва молиялашнинг камайиши муносабати билан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг камайиши;
- бозорга ўтиш оқибати сифатида корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақтўлашнинг такомиллаштирилиши;

корхоналар бошқарув тузилмаларининг такомиллаштирилиши.

3. Истеъмол саватининг қимматлашуви оқибати сифатида аҳоли турмуш даражаси, унинг даромадлари ва истеъмоли даражасидаги ўзгаришларда намоён бўладиган иқтисодий омиллар.

4. Омилларнинг ижтимоий-демографик гуруҳи:

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
- табиий ўсиш ва ўлиш миқдори (айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшда);
- миграция жараёнларини фаоллаштириш;
- кадрлар қўнимсизлигининг кескинлашуви.

Иш билан бандликнинг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан меҳнат ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги ўзгаришларга боғлиқдир. Ҳозирги кундаги иш билан бандлик характери меҳнатга лаёқатли аҳолининг давлат хўжалигига асоссиз юқори даражада жалб қилинганлиги билан фарқланади. Бу кўп жиҳатдан иш жойлари билан ижтимоий-демографик омиллар таъсирида шаклланадиган меҳнат ресурслари миқдори ўртасида миқдорий мувозанатсизлик ва аҳолининг табиий ҳамда миграцион ҳаракати жараёнларида фарқлар борлигига боғлиқдир.

## **1.2. Модернизация шароитида қишлоқ жойларида ишсизликни бартарф этишнинг асосий йўналишлари**

Бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жохон моилавий-иктисодий инкирози оқибатида ишсизлик даражасининг ошиб бориши ва унга қаршли самарали чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалган айланмокда. Бозорларда махсулотларга бўлган талаб сезиларли даражада камайиб, махсулоти баҳоси кун сайин арзонлашиб, корхоналар зарар билан ишлаши натижасида иш ўринларни қискартиришга мажбур булмокда.

Жахон молиявий инқирозининг Республикамиз иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш учун Президентимиз Ислон Каримов тамонидан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган инкирозига қарши чоралар дастурида аниқ Амалий ва истикболли тадбирлар ва устувор йўналлишлар белгилаб берилган бўлиб, улар иқтисодиётнинг таянч тармокларни қўллаб қувватлаш банкларнинг капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфра тузилмани ривожлантириш, янги ишчи ўринларни яратишга йўналтирилган.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфра- тузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги махсулотларни чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишни таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора –тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш белгиланган.

Республикамизда 2007 йилда жами аҳоли сони 27,1 млн. киши бўлган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 27,5 млн. кишини ташкил қилган, яъни аҳоли 400 минг кишига ўсган.

2007 йилда 10735,4 минг киши иқтисодиётда банд бўлган аҳоли ҳисобланса, 2008 йилда бу кўрсаткич 11035,4 кишини ташкил қилган. 2007 йилда иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганлар сони 557,4 минг кишини ташкил этса, 2008 йила бу кўрсаткич 623,3 минг кишини ташкил этган, яъни 11,8 фоизга кўпайган. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда яшашни ҳисобга оладиган бўлсак, иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганларнинг асосий қисми асосан қишлоқ фуқороларидир.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда мавжуд ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, жумладан қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, саноатни олиб кириш, хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш, мавжуд бўлган ортикча ишчи кучини шаҳардаги норасмий ёки тартибсиз ишчи кучи бозордаги фаолиятини тартибга солиш ҳамда малакасиз ишчи кучига замон

талабларига жавоб берадиган билим ва тарбия бериб, уларнинг ривожланган мамлакатларда ишлаб келиши учун шароит яратиб бериш, хотин-қизлар айниқса кўп болали аёлларни ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун касаначилик соҳасини ривожлантириш бугунги кунинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида ишсизлик муаммосини ҳал қилишда қуйдагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ жойларда замон талабларига жавоб берадиган касб-хунар ўргатадиган ўқув марказларини ташкил қилиб, малакасиз ишчи кучларига касб-хунар ўргатиб, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишда ишлаши учун шароит яратиб бериш;
- Қишлоқ ёшларнинг ривожланган малакатларнинг агросаноат корхоналарида малака ошириб ва ишлаб келишларига шароит яратиб бериш;
- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни агросаноат интеграцияси негизида ташкиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга саноатни, қурилишни янада жадал ривожлантириш;
- агросаноат ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантириш;
- мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жихатидан янги даражага кўтариш, шу асосида қишлоқ аҳолиси, энг аввол ёшларнинг ишга жойлашишни, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошишни таъминлайди.

Бир суз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларни, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларида ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилиш “қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида” Давлат дастурида белгиланган устивор мақсад ва вазифаларнинг сўз сиз бажарилишига эришишни, таъминлаш ўзини шу ватанинг фарзанди, юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохатларга дахилдор деб биладиган ҳар бир юртдошимизнинг вазифасидир.

Яна бир муаммони ҳал этиш зарурки, бу қишлоқ ҳужалиги билан боғлиқ фаолиятлар ижтимоий инфратузилма объектлари туфайли қишлоқда иш топиш шаҳарга нисбатан анча мушкуллашмоқда.

Фикримизча, бундай вазият қишлоқ ҳужалик жойларида ишсизлик даражасини ошишига имкон яратмоқда: ишчи кучига талаб ва унинг таклифини касбий – малакавий номутаносиблигини кучайиши; меҳнат бозорида аёллар дискриминацияси ва ёшларни касбий тайёргарлигини етарсизлиги учун рақобат даражасини пастлиги ва бошқалар.

Шу сабабли кишлок жойлардаги меҳнат бозори уз муаммоларининг уткирлиги ва таниклиги билан ажралиб турар экан, бу соҳада илмий – татадқиқотлар олиб бориш ҳамда унинг самарали шакилланиши ва ривожланиши борасида илмий – амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш ута долзарб ва муҳим аҳамиятга эга. Зотан, Президентимиз томонидан 2009 йил «Кишлок тараққиёти ва фаровонлиги» йили, деб эълон қилинди. Мамлакатимизнинг келажаги аҳолисининг ярмидан куп яшайдиган кишлоklarимизнинг тақдирига, фуқороларимизнинг фаровонлиги ва турмуш тарзининг янада ривожланиши билан боғлиқ. Бунинг учун эса, айниқса, кишлок жойларида янги иш жойларини яратишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва кишлок аҳолисини уз – узини банд қилиш даражасини оширишга, рақобатбардошлиги паст ишсиз фуқаролар гуруҳини қайта касбига уқитишга йуналтириш, ушбу соҳага боғлиқ асосланган ҳудудий сиёсатлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Бизга маълумки, кишлок аҳолисининг иш билан оқилона бандлигини таъминланаш мезони кишлок меҳнат бозорининг ривожланиши даражасидир. Ҳозирги кунда бу ерда унинг шакилланиши ва ривожланиши шаҳар жойларга нисбатан суст бормоқда, меҳнат бозорининг мавжудлиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар эса узига хос тарзда намоён булмоқда.

Кишлок жойларида меҳнат бозорининг шакилланиши, умуман узгача сиёсий, ижтимоий – иқтисодий шароитларда юз бермоқда. Бунда Ўзбекистон меҳнат бозори эволюцион йул билан шаклланган бошқа давлатларга нисбатан маълум даражада устунликка эга. Бу устунликларнинг энг асосий – эркин тадбиркорлик иқтисодиёти шароитидан меҳнат муносабатларини амалга ошириш буйича бой меҳнат тажрибасининг мавжудлигидир. Аммо юқорида айтиб утилган устунлик ҳамиша ҳам тулик ҳажмда амалга ошмаслиги ҳам мумкин, чунки ҳар бир давлатнинг иқтисодиёти узига хос, меҳнат соҳасидаги ҳолатлар ҳам бир хил эмс.

Кишлок меҳнат бозори инфратузилмаси, бу кишлок иш берувчилари ёлланма ишловчилар уртасидаги узаро самарали ҳамкорликни таъминлайдиган давлат, нодавлат ва ижтимоий ташкилоот ҳамда жамгармалардир. Инфратузилма аввало кишлок ишчи кучининг баҳоси, меҳнат шароити, ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш буйича кишлок уртасидаги узаро муносабатларни тартибга солиши лозим. Шу билан бирга у кишлок меҳнат бозорида иш берувчилар ва ёлланма ходимлар ҳуқуқларини ҳам ҳимоя этиши лозим.

Маълумки, ҳозирги вақтда кишлок аҳолисини иш билан оқилона бандлигини таъминлаш масалси жамиятимиз олдида асосий муаммолардан биридир. Кишлок меҳнат бозори инфратузилмаси эса меҳнат бозори субъектларининг узаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи ва иш билан бандликка қумаклашиш давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга оширувчи асосий восита ҳисобланади.

Сунги йилларда кишлок меҳнат бозори юзага келган узига хос ҳолат шундан иборатки, ишсизликнинг умумий ва расмий қайд этилган динамикасидаги сезиларли фарқнинг мавжудлигидир. Бунинг сабаблари

шундан иборатки аввало халкимизнинг меенталитети яъни расмий руйхатдан утиб ишсизлик нафақаси олишдан кура тирикчилигининг бошқа имкониятларини кидиради, бандлик муассасаларига мурожат қилмайди, яхши иш топиш имкониятининг чекланганлиги, ишсизлик буйича нафаканинг паст даражаллиги ва бошқалар.

Кишлоқ меҳнат бозори узига хос хусусияти шундан иборатки, кишлоқ хужалигидан ташқарида меҳнат фаолиятини юритиш соҳаларининг чекланганлиги ва ижтимоий инфратузилма объектларининг яхши шакилланмаганлигини кишлоқда иш топиш имкониятини қийинлаштириди.

Хусусан, кишлоқ иш берувчилари ва ишсизлар уртасида Қашқадарё вилоятида биз томондан утқазилган суров натижаларига кура шу нарса аниқландики, кишлоқ жойларида яшайдиган ва бандлик хизмати органларида иш кидирувчи сифатида бир йилдан ортиқ ҳисобида турган ишсизлар улиши 1998 йилги 14,9% дан 2008 йил 18,7% га ошган.

Кишлоқ жойларида бандлик хизматларига мурожат қилган шахсларни ишга жойлаштириш шаҳарга нисбатан қийин кечмоқда. Бунда уртача ишсизликнинг давомийлиги 2008 йилда 8,7 ойни ташкил этган бўлса, шаҳарда 7,6 ойдан иборат бўлган.

Ишсизлик кишлоқларда тургун характерга эга бўлиб бормоқда, бу эса ижтимоий жихатдан ҳам, касбий жихатдан ноҳуш ҳолатларни пайдо қилди.

Ишсизлик муддати ошган сари шахснинг меҳнат қуникмалари, узига бўлган ишончи қамайди.

Мухтасар қилиб айтганда, кишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланишига ишчи қучи талаб ва тақлифи уртасида бозор мувозанатини урнатилиши, ёлланма ходимлар ва тадбиркорларнинг касбий – малакавий даражасини ошириш, меҳнатга ҳақ тулашнинг такомиллашуви, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сафарбарлиги кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган янги жойларини яратиш учун инвестициялар ҳажмининг ошиши қасаначилик меҳнатининг омаллашуви, шахсий ёрдамчи ва дехқон хужалиқларнинг янада кенг ривожланиши, оқилона бандликнинг вужудга келиши, ишсизликни қисқартириши ва ижтимоий меҳнат муносабатлари ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирувчи асосда эришиш мумкин.

### **1.3. Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари**

Қишлоқда меҳнат ресурслари салоҳиятини юқориликдан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариши, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг қамайиши, ишсизликнинг мунтазам равишда ўсиб бориши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, арзон ишчи қучининг вужудга келиши, меҳнат даромадларининг қамайиши ва содир бўлаётган таркибий ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа иқтисодий-ижтимоий кескинликлар шароитида ишчи қучига талабни ошириш ва унинг тақлифини қамайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги кунда нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки муҳим сиёсий аҳамиятга эга

бўлган жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқда бандликни таъминлаш концепцияси ва қишлоқ меҳнат бозорини фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ушбу тадбирларда асосий эътибор қишлоқда аҳолининг табиий ўсишига нисбатан янги иш ўринларини яратишнинг турли манбаларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ аҳолисининг самарали бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромад манбаларини оширишнинг аниқ йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан:

- қишлоқ меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш ҳамда кенг қамровли мониторингини амалга оширишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ жойларда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи ва мониторингини амалга оширувчи минтақавий ва маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ислохотларни амалга ошириш;
- қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш, ўсмирлар, кўп болалик аёллар, нафақажўрлар ва ногиронлар учун меҳнатни кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;
- аҳолиси кўп қишлоқ ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва хусусий тадбиркорликни турли соҳа ва йўналишлар бўйича ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шаклини ҳамда деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда фаолият юритаётган турли шаклдаги хўжалик субъектлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўғинларига инновацион замонавий илғор техника ва технологияларни киритиш;
- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини самарали фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит, муҳит яратиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бозор тамойилларига мос тизимини шаллантириш ва механизмларини такомиллаштириш;
- қишлоқда яшовчи маҳаллий ишчиларнинг касбий малакасини, рақобатбардошлигини ошириш ва уларда янги замонавий иқтисодий маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш;
- қишлоқ жойларда ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини кучайтириш;
- қишлоқда меҳнат бозори ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга солувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.



Ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан асосийси халқ хўжалиги тармоқларида таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Бунга мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларини моддий-техника, технология, сармоялар таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги фаолияти муҳитини ривожлантириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш ҳамда солиқларни оқилона белгилаш орқали эришиш мумкин.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тизимида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, хизмат кўрсатишни яхшилаш ва илғор технологияларни тадбиқ этиш, ўтиш иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида асосий маҳсулотларнинг маълум қисмини эркин тасарруф этиш имкониятини белгилаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлардан қўшимча иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни ташкил қилиш энг кам инвестиция талаб қилади ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳалий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бизнес-фонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Кичик корхоналар ташкил қилувчини фойсиз ёки фойс ставкаси паст бўлган имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хизмат ва шахсий меҳнат тармоқларида ташкил қилиш зарур. Чунки, бу борада иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга оширишда биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир қишлоқ ҳудудининг ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамойилига кўра хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли комплекс дастурлар тузиш мақсадга мувофиқ.

Бундай дастурлар аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирларни тўғри амалга ошириш имконини беради.

Мустақил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишини, шу жумладан хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестиция оқимлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Қишлоқда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш истикболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республиканинг қишлоқ жойларида ўз кўламли ва сифати

бўйича етарлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келган. Уларнинг қонун ва ҳукумат қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини кам яратилиши, меҳнат унумдорлигини пасайиши, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши ҳамда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда ишчи кучига талабни ошириш ва уни тақлифини камайитириш бўйича давлат томонидан қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзаёт ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуришни ва яратишни жадал ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш орқали қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

- қишлоқ жойларида меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш;
- чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалиги;
- сут ва гўшти қайта ишлаш соҳаси;
- мебель, пойафзал ва тикув цехлари ;
- озиқ-овқат ва қандолатчилик цехлари;
- маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари цехлари;
- доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш (кичик технология, маҳсулотларни сотиш бўйича);
- касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини ташкил қилиш;
- ҳар бир қишлоқ туманида кам таъминланган оилаларни қорамол билан таъминлаш эвазига янги иш ўринлари яратиш.

## **2 Боб. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлиги тахлили**

### **2.1. Янгиқўрғон туманининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланиши**

Янгиқўрғон тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Туман Наманган вилоятининг шимолий қисмига жойлашган бўлиб, шимолий - ғарб, шимол, шимолий - шарқ, томонлардан Қирғизистон Республикаси билан, жанубий - шарқ ва жанубий - ғарбдан Наманган тумани билан, ғарб томондан Косонсой тумани чегарадошдир.

Янгиқўрғон туманининг Наманган вилоят маркази марказидан 22 км узоқликда жойлашган. Майдони 540 квадрат километр. Маркази Янгиқўрғон шаҳарчаси. Аҳолиси 205563 кишидан ташкил топган.

Туман ҳудудида 14 та шаҳарча, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда 71 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, 49 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Шаҳарчада 19406 киши ва қишлоқ жойларида 186150 киши яшаб келмоқда.

Аҳолининг 32,5 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Аҳолининг 50,1 фоизини эркаклар ва 49,9 фоизини аёллар ташкил этади. Мехнат ресурслари умумий аҳолининг 53,2 фоизини ёки 108534 кишини ташкил қилади. Аҳолининг ўртача ўсиш суръати 2,1 фоизни ташкил қилади. Туманда 14 миллат вакиллари истиқомат қилади.

Аҳолининг 97,2 фоизини ўзбеклар, 2,5 фоизини қирғизлар ва қолган 0,3 фоиз аҳолини 14 миллат вакиллари ташкил этади.

Туманда 1 та йирик, 53 кичик ва микро саноат корхоналари, 1 та йирик, 25 кичик ва микро қурилиш ташкилотлари, 5 та транспорт корхонаси, 1 та қўшма корхона ҳамда 250 та йирик ташкилотлар фаолият кўрсатади. Мавжуд аҳолининг 78105 нафарини вояга етмаганлар, 14806 нафарини 60 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Олий маълумотли кадрлар 7500 нафар, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар 17079 нафар.

Туманда 39572 та хонадон бўлиб, ўртача бир кишига 10,3 кв.м. яшаш жойи тўғри келади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун йиллик сув тортиш режаси 14,6 км бўлиб бу кўрсаткич ҳам 21,9 км га, ички имконият ҳисобидан бажаришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2015 йил

16 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни туманда ижросини таъминланиши ҳисобига 2015 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, туманда 2015 йил якуни билан **100,9 млрд.сўмлик** (111,3%) саноат маҳсулотлари ва **94,0 млрд.сўмлик** (111,9%) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Хусусан ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (111,3%) га ортган, ушбу кўрсаткич асосан “Янгиқўрғон Шароби” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 15 млрд 202 млн.сўм (ўсиш 104%) маҳсулотлар ҳисобига тўғри келмоқда.

Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят саноатидаги улуши 2014 йилда 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йил якуни билан 3,8 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари йил якуни билан **586,9 млрд.сўмлик** (107,7%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, **61,5 млрд.сўмлик** (113,2%) пудрат ишлари, **252,3 млрд.сўмлик** (102,7%) чакана савдо айланмаси, **93,1 млрд.сўмлик** (114,4%) пуллик хизмат, **19,4 млн.долларлик** (138,0%) экспорт амаллари ва **4,8 млн.долларлик** (429,3%) импорт амаллари бажарилди.

“Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га асосан 2015 йил давомида 18,7 млрд.сўм миқдорида маблағларни ўзлаштириш ҳисобига 139 та лойиҳаларни (саноат соҳасида 11 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 54 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 74 та) ишга тушириб, 1168 нафар ишчи ўрин яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 1168 та (100 %) лойиҳалар амалга оширилди (7-жадвал).

Ушбу мақсадлар учун 18,7 млрд.сўм маблағлар (шундан, 11,4 млрд.сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари, 7,2 млрд.сўм банк кредитлари) сарфланди

Бунинг натижасида 1168 та янги иш ўринлари барпо этилди. Жумладан, саноат соҳасида 2015 йилда 11 та лойиҳаларни амалга ошириш ва бу мақсадлар учун жами 11,4 млрд.сўм (шундан 6,4 млрд.сўми банк кредити) инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳамда 204 нафар янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган бўлиб, йил якуни билан 11 та лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга 11,5 млрд.сўм маблағлар (шундан, 5,2 млрд.сўм ташаббускор маблағлари, 6,4 млрд.сўми банк кредити) йўналтирилиб, 204 та иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари давомида 2,7 млрд.сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштириб, 54 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ҳисобига 239 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 2,7 млрд.сўм маблағ сарфлаш ҳисобига 54 та турдаги савдо ва маиший хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 239 та иш ўринлари яратилди.

Туманда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда.

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини қишлоқ хўжалигида 99,6 фоиз, саноатда 61,6 фоиз, қурилиш ишларида 92,7 фоиз, савдода 46,3 фоиз, пуллик хизматда 60,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 2077 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда. 2016 йилнинг

1 январ ҳолатига жами 675 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизга ортди.

2015 йил якуни билан 64 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмаяпти, бу эса жами рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 9,7 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, 2015 йилнинг ўзида 65 та кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини бошлагани ҳолда 38 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатди.

Хўжалик юритувчи кичик бизнес субъектларини фаолият кўрсатмаслик сабаблари ўрганилганда, 52 тасининг айланма маблағи йўқлиги, 3 тасининг таъсисчилари Россия давлатига ишлаш учун кетганлиги, 1 тасининг таъсисчисига жиноий иш очилганлиги, 1 тасининг таъсисчиси вафот этганлиги, 4 таси ПҚ-630 сонли қарори бўйича ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги, 2 тасида тугатиш ҳақидаги юқори ташкилоти буйруғи қабул қилинганлиги аниқланди (10-жадвал).

2015 йилда тумандаги тижорат банклари томонидан жами 221 нафар тадбиркорлик субъектларига 18 млрд 865 млн.сўм кредит маблағлари ажратилди. (соҳалари бўйича, саноат йўналишидаги лойиҳалар учун 3,0 млрд.сўм (жамига нисбатан 16,0%), қурилиш йўналишида 1,9 млрд.сўм (10,4%), транспорт ва алоқа йўналишида 386 млн.сўм (2,0%), қишлоқ хўжалиги соҳасида 4,9 млрд.сўм (26,1%), савдо йўналишида 4,3 млрд.сўм (22,6%), хизмат кўрсатиш йўналишида 2,8 млрд.сўм (15,0%) ва бошқа йўналишларда 1,5 млрд.сўм (7,9%) кредитлар ажратилган)

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари 104,6 фоизга бажарилди. Бунинг ҳисобига 1524 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли фармонида асосан 2015 йилда тумандаги назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъект-юримдик шахсларда ўтказилган текширишлар сони 2014 йилга нисбатан 11 тага кам бўлди. Ўтказилган текширишлар сони 23 тани ташкил этиб, 6 та режали ва 17 та режадан ташқарига тўғри келади.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар ҳисобига ўтган 2015 йилда давомда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ тушумларидан 675,3 млн.сўмлик имтиёзлар берилди.

Янгиқўрғон туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “Бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2412 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ягона дарча” марказида бир қатор ишлар амалга оширилди.

(2015 йилнинг 9-декабр куни туманда ташкил этилаётган “Бир дарча” марказида вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, Наманган туман ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш маркази вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларини ҳамда “Бир дарча” марказига янги қабул қилинаётган раҳбар ходимлари иштирокида, “Бир дарча” марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш” мавзусидаги маълумот алмашувини йўлга қўйиш бўйича ўқув амалий семинар бўлиб ўтди.)

“Ягона дарча” марказида намуна тарзида кичик бизнес субъектларидан тегишли ҳужжатлар қабул қилиш, давлат органларига юбориш, ижросини қабул қилиш ва ижросини тадбиркорлик субъектларига маълум қилиш юзасидан амалий машғулот ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли Фармони асосан туманда жойлашган жами 1 та (Туман МТП МЧЖ) акциядорлик жамиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда Фармон талабига кўра тугатилиши белгиланган, 1 та акциядорлик жамиятидан Фармон талаби ижроси бажарилди.

Фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш бўйича акциядорлик жамияти бошқаруви органлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув семинарлари ташкил этилиб, тегишли тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг янги ташкилий тузилмалари тасдиқланиб, жамиятнинг янги таъсис ҳужжатлари тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги “2016-2019 йилларда Наманган вилоятини саноат салоҳиятини ошириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2439-сонли Қарорининг 4-банди ва мазкур қарорга асосан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи комиссия томонидан 2015 йил 27 ноябрда ўтказилган йиғилишда белгиланган топшириқлар асосида вилоят ҳокимининг 2015 йил 19 декабрдаги 381-сонли қарорига асосан туман ҳокимининг 2015 йил 3 декабрдаги 1056- сонли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, “Йўл харитаси” дастурида белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши натижасида қуйидаги ишлар амалга оширилган.

- Янгиқўрғон туманидаги "Marvel juice co" ХИИ АЖнинг фойдаланилмаётган, бўш турган 1,5 га ишлаб чиқариш қувватларини “Натурал Джус” МЧЖ га ижарага берилиши натижасида қўшимча 501,0 млн.сўм даромад олинди.

Туманда марказлашган маблағлар ҳисобидан 3 та (1 та янги қурилиш, 2 та реконструкция ва 1 та капитал таъмирлаш) умумтаълим мактаблари, 5 та соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда янги қурилиш ва реконструкция қилиш ҳисобига фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, йил якуни билан ушбу объектларни тўлиқ фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, туманда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 1 та, жумладан, 41-умумтаълим мактабида 12x24 хажмдаги (606,5 млн.сўм) спорт зали фойдаланишга топширилди.

2015 йил Дастурига асосан 5 та массивларда 60 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу уйларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди.

Шунингдек, аҳолини ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 2015 йил давомида жами 7 та объектларда бюджет маблағлари ҳисобидан 2,5 млрд.сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

5 та массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни 1,8 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан 5 та сув олиш қудуқлари ишга туширилди ва 0,8 км ичимлик сув тармоғи қурилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли, Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 9 декабрдаги 152/27-4-сонли Қарорлари билан тасдиқланган тасдиқланган “2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” асосида 2015 йил якуни билан 6480 та иш ўрни яратилиши белгиланиб, ҳақиқатда 6534 та иш ўринлари яратилди, ёки режа 100,8 фоизга бажарилди

Шундан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 1320 тани ташкил этди. Жумладан, саноатда 97 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида 566 та, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, узумчиликда 332 та, ишламасдан турган корхоналарни фаолиятини тиклашда 325 та.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобида 1524 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 653 та, уй меҳнатини ташкил қилишда 2747 та, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил тиклашда 290 та янги иш ўринлари яратилган.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 3053 нафар битирувчилардан 3043 (99,7%) нафарини бандлиги таъминланган. 3028 нафари иш билан

таъминланган бўлса, 15 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмакда. Умумий бандлик кўрсаткичи жами битирувчиларга нисбатан 99,7 фоизни ташкил этади. Жумладан, ўз мутахассисликлари бўйича 1542 нафар, бошқа фаолият соҳасида банд бўлганларни 1206 нафар, 202 нафар битирувчилар эса турли сабабларга кўра бандлиги таъминланмайдиганларни ташкил қилмоқда

2015 йил давомида битирувчилардан 17 нафари 89,7 млн. сўмдан зиёд кредит маблағларини олган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўйган.

Туманда 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига ички идоравий фаолиятига дахлдор бўлмаган қарзларни ҳисобга олмаган ҳолда жами дебитор қарздорлик 837,8 млн.сўмни ташкил этган.

Ҳисобот даврида ички идоравий фаолиятига дахлдор бўлмаган қарзларни ҳисобга олмаган ҳолда жами кредиторлик 1,8 млрд.сўмни ташкил этди.

2015 йил якуни бўйича маҳаллий бюджет даромадлар режаси 25,5 млрд. сўмни ташкил этди, харажатлар ижроси 89,4 млрд.сўмга бажарилиши таъминланди.

Хусусан, 2015 йилда туманга Республика бюджети ҳисобидан ўтказилган мақсадли субвенциялар миқдори тасдиқланган 56,8 млрд.сўмни ташкил этгани ҳолда харажатдаги улуши 63,2 %га тасдиқланган.

## **2.2. Намнган вилояти Янгикўрғон тумани қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлиги таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2015 йил 16 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни туманда ижросини таъминланиши ҳисобига 2015 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

“Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га асосан 2015 йил давомида 18,7 млрд.сўм миқдорида маблағларни ўзлаштириш ҳисобига 139 та лойиҳаларни (саноат соҳасида 11 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 54 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 74 та) ишга тушириб, 1168 нафар ишчи ўрин яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 1168 та (100 %) лойиҳалар амалга оширилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари давомида 2,7 млрд.сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштириб, 54 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ҳисобига 239 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 2,7 млрд.сўм маблағ сарфлаш ҳисобига 54 та турдаги савдо ва



маиший хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 239 та иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари якуни билан 74 та лойиҳалар амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун 4,3 млрд.сўм (шундан 560 млн.сўми банк кредити) маблағлар сарфланиб, 725 та янги иш ўринлари барпо этиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 4,4 млрд.сўм маблағлар сарфланиши ҳисобига 74 та лойиҳалар амалга оширилиб, 725 нафар янги иш ўринлари яратилди. (Жумладан, 10 та қорамолчилик, 2 та паррандачилик, 2 та балиқчилик, 15 та асаларичилик хўжаликлари ташкил этилиб, 36 та фермер хўжаликлари томонидан интенсив боғлар ҳамда 8 та фермер хўжаликлари томонидан янги тоқзорлар барпо этилди)

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли, Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 9 декабрдаги 152/27-4-сонли Қарорлари билан тасдиқланган тасдиқланган “2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” асосида 2015 йил якуни билан 6480 та иш ўрни яратилиши белгиланиб, ҳақиқатда 6534 та иш ўринлари яратилди, ёки режа 100,8 фоизга бажарилди.

Шундан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 1320 тани ташкил этди. Жумладан, саноатда 97 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида 566 та, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, узумчиликда 332 та, ишламасдан турган корхоналарни фаолиятини тиклашда 325 та.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобида 1524 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 653 та, уй меҳнатини ташкил қилишда 2747 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил тиклашда 290 та янги иш ўринлари яратилган.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 3053 нафар битирувчилардан 3043 (99,7%) нафарини бандлиги таъминланган. 3028 нафари иш билан таъминланган бўлса, 15 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда. Умумий бандлик кўрсаткичи жами битирувчиларга нисбатан 99,7 фоизни ташкил этади. Жумладан, ўз мутахассисликлари бўйича 1542 нафар, бошқа фаолият соҳасида банд бўлганларни 1206 нафар, 202 нафар битирувчилар эса турли сабабларга кўра бандлиги таъминланмайдиганларни ташкил қилмоқда.

2015 йил давомида битирувчилардан 17 нафари 89,7 млн. сўмдан зиёд кредит маблағларини олган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўйган.

Янгиқўрғон туманида аҳолининг 32,5 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этади<sup>7</sup>. Агар аҳоли жинси бўйича таҳлил этадиган бўлсак, туман аҳолисининг 49,9 фоизи эркаклар ва 50,1 фоизи аёллардан иборат. 2013 йилда аёлларнинг эркакларга нисбатан салмоғи 0,8 пунктга кўпроқ бўлган бўлса, 2016 йилга келиб улар ўртасидаги фарқ атиги 0,2пунктни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, туман миқёсида аёллар салмоғи эркаклар салмоғидан кўра кўпроқ бўлса-да, сўнгги йилларда эркаклар сони сезиларли ошган.

Мавзуимиз объекти сифатида таҳлил этилаётган Янгиқўрғон туманида аҳолининг ўртача ўсиш суръати йилига 1,8 фоизни ташкил қилади. Туманда 14 миллат вакиллари истиқомат қилади. Лекин туман аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат.

Туман аҳолисининг таркибида меҳнат ресурсларининг ўзига хос жиҳатлари бор. Агар 2013 йилда жами туман аҳолисининг 51,8 фоизи меҳнат ресурсларини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб туманда меҳнат ресурслари 53,3 фоизни ташкил этиб, яқин уч йилда 1,5 пунктга ошган. Аникроғи Янгиқўрғонда меҳнат ресурслари 108534 кишини ташкил этади. Ушбу туманда мавжуд аҳолининг 78105 нафарини вояга етмаганлар, 14806 нафарини 60 ёш ва ундан катталар ташкил этади<sup>8</sup>.

Маълумки, Янгиқўрғон туманида аҳоли таркибидаги кадрлар солоҳияти ҳам ўзига хос ўзгаришлар билан ўсиб бормоқда. Йилдан йилга маълумотга эга бўлган шахслар салмоғида ижобий томонга ўзгаришлар бор. Жумладан, 2015 йилда олий маълумотли кадрлар 7500 нафарни ташкил этса, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар 17079 нафарни ташкил этди.

2016 йилга қадар меҳнат бўлимига иш сўраб мурожат этувчилар 4283 нафарни ташкил этиб улардан 3631 нафари меҳнат бўлими орқали ишга жойлаштирилди. 31 нафари қайта ўқитиш учун турли касбларга йўналтирилди, 351 нафари эса жамоат ишларига жалб этилди.

Бундан ташқари 234 нафар кам таъминланган оилаларга 145 млн. сўм маблағ чорвачилик йўналиши бўйича "Бандлик" жамғармаси ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлар берилди. Туманда 4 та (енгил саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати йўналишидаги) коллежлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Янгиқўрғон туманида фуқароларни иқтисодиёт тармоқлари ва халқ хўжалиги соҳалари бўйича ишга жойлашиши борасида ҳам ўзига хослик мавжуд. Туман бўйича фан ва илмий техника соҳасида бирорта ишга жойлашганлар йўқ. Ишга жойлашганларнинг энг кўпи қишлоқ хўжалиги ишларида банддирлар.

---

<sup>7</sup> Изоҳ: Янгиқўрғон туманида 2013 йилда худди шу кўрсаткич 39,7 фоизни ташкил этган. 2016 йилнинг бошига келиб болалар ва ўсмирлар 7,2 пунктга камайган.

<sup>8</sup> Маълумотлар 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига тўғри.

**Янгиқўрғон тумани қишлоқ жойларида аҳолининг бандлиги<sup>9</sup>**

**2.1-жадвал**

Шахарча ҚФЙлар номи	жаъми ишга яроқли аҳоли	Шундан		Кичик бизнес ва ташкилот- ларида	Деҳқон, уй ва фермер хўжали- гда	Институт, коллеж ва лицей-ларда	хусусий тадбиркорлар	МДХ давлатларида ишляпганлар	Ишламай юрган аҳоли		Қамокда	Харбий хизматда
		эр	аёл						Жами	Шундан ишсизлик мақомини олганлар		
Бирлашган	17793	8947	8846	3368	8342	2142	2120	190	181	155	17	47
Бекобод	9114	4513	4601	650	6168	1380	601	112	110		4	10
Заркент	3868	1888	1980	147	928	554	2051	116	51	0	14	7
Зарбдор	10327	5224	5101	3779	4593	902	247	508	250	40	29	24
Нанай	15847	8274	7573	3115	5931	2445	3396	741	151	0	43	25
Наврызобод	4282	2154	2128	384	2161	480	950	198	93	33	2	14
Навкент	10242	5470	4772	1283	4686	2413	1022	410	175	72	5	12
Истиқлол	5273	2566	2707	1317	1234	293	1635	244	498	46	-	6
Шарқ Юлдузи	12986	6678	6308	6912	856	1622	2826	453	300		13	5
Поромон	2792	1388	1404	1383	628	249	669	68	21	5	3	-
Қораполвон	5472	2671	2801	382	3402	634	373	679	130		2	
ҚФЙ бййича	97996	49773	48221	22720	38929	13114	15890	3719	1960	351	132	150
Янгиқўрғон шаҳарчаси	10538	4461	4926	3180	1141	686	992	345	2281	53	4	3
Туман бўйича	108534	52292	52141	25900	40070	13800	16882	4064	4241	404	136	153

<sup>9</sup> Жадвал муаллиф томонидан Янгиқўрғон тумани бандликни қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази маълумотлари асосида тузилган.



2015 йилда туман қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар 40070 нафарни ташкил этиб, жами ишга яроқли аҳолининг деярли 37,0 фоизини ташкил этган. Кичик бизнес ва ташкилотларда эса жами ишга яроқли аҳолининг 24,0 фоизини меҳнатда банддир. Кичик бизнеснинг қишлоқ хўжалиги билан алоқадор соҳаларини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар салмоғи яна 2,6 пунктга ошади.

Янгиқўрғон туманида қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган, хусусан, 2015 йилнинг ўзида 116,9 млрд. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган. Худди шу йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 32,3 млрд. сўмга тенг бўлган. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми саноатда ишлаб чиқарилган ҳолатдан деярли 3,6 мартага кўп.

**Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида 2015 йилда "Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"нинг таҳлили**

№	Йўналишлар	Жами	шундан		
			4-чорак	амалда	фоиз
	<b>Жами яратиладиган иш ўринлари</b>	<b>6462</b>	<b>6462</b>	<b>6498</b>	<b>100,6</b>
<b>1</b>	шундан Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва кувватларини янгилаш	<b>233</b>	<b>233</b>	<b>238</b>	<b>102,1</b>
1.1	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш	0		0	0,0
1.2	мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва кувватларини янгилаш	233	233	238	102,1
<b>2</b>	<b>Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш</b>	<b>2167</b>	<b>2167</b>	<b>2188</b>	<b>101,0</b>
2.1	шундан: саноатда	305	305	305	100,0
2.2	шундан: қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш шу жумладан уй жой қурилиши ва таъмирлаш	125	125	141	112,8
2.3	хизмат курсатиш ва сервис, умумовқаланиш	1737	1737	1742	100,3
<b>3</b>	<b>Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш</b>	<b>650</b>	<b>650</b>	<b>650</b>	<b>100,0</b>
<b>4</b>	<b>Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш</b>	<b>2714</b>	<b>2714</b>	<b>2716</b>	<b>100,1</b>
4.1	шундан: корхоналар билан меҳнат шартномаси асосида (касаначилиқ)	330	330	330	100,0
4.2	пудрат шартнома	2359	2359	2361	100,1
4.3	шундан Оилавий бизнес вამиллий хунармандчилик	25	25	25	100,0
<b>5</b>	<b>Фермер хужалиқларини ривожлантириш</b>	<b>282</b>	<b>282</b>	<b>289</b>	<b>102,5</b>
5.1	шундан паррандачиликни ривожлантириш	50	50	52	104,0
5.2	шундан асаларичилиқ ва балиқчиликни ривожлантириш	10	10	13	130,0
5.3	бошқа йўналишларда	222	222	224	100,9
6	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	345	345	346	100,3
6,1	Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш	135	135	136	100,7
6,2	Ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш	170	170	170	100,0
6,3	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	40	40	40	100,0



## **III Боб Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш**

### **3.1. Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари**

Қишлоқда меҳнат ресурслари салоҳиятини юқориликдан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариши, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайиши, ишсизликнинг мунтазам равишда ўсиб бориши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, арзон ишчи кучининг вужудга келиши, меҳнат даромадларининг камайиши ва содир бўлаётган таркибий ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа иқтисодий-ижтимоий кескинликлар шароитида ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги кунда нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган жараён ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқда бандликни таъминлаш концепцияси ва қишлоқ меҳнат бозорини фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ушбу тадбирларда асосий эътибор қишлоқда аҳолининг табиий ўсишига нисбатан янги иш ўринларини яратишнинг турли манбаларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ аҳолисининг самарали бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромад манбаларини оширишнинг аниқ йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан:

- қишлоқ меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш ҳамда кенг қамровли мониторингини амалга оширишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ жойларда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи ва мониторингини амалга оширувчи минтақавий ва маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ислохотларни амалга ошириш;
- қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш, ўсмирлар, кўп болалик аёллар, нафақахўрлар ва ногиронлар учун меҳнатни кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;
- аҳолиси кўп қишлоқ ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва хусусий тадбиркорликни турли соҳа ва йўналишлар бўйича ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шаклини ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда фаолият юритаётган турли шаклдаги хўжалик субъектлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўғинларига инновацион замонавий илғор техника ва технологияларни киритиш;



- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини самарали фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит, муҳит яратиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бозор тамойилларига мос тизимини шаллантириш ва механизмларини такомиллаштириш;
- қишлоқда яшовчи маҳаллий ишчиларнинг касбий малакасини, рақобатбардошлигини ошириш ва уларда янги замонавий иқтисодий маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш;
- қишлоқ жойларда ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини кучайтириш;
- қишлоқда меҳнат бозори ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга солувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

Ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан асосийси халқ хўжалиги тармоқларида таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Бунга мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларини моддий-техника, технология, сармоялар таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги фаолияти муҳитини ривожлантириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш ҳамда солиқларни оқилона белгилаш орқали эришиш мумкин.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тизимида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, хизмат кўрсатишни яхшилаш ва илғор технологияларни тадбиқ этиш, ўтиш иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида асосий маҳсулотларнинг маълум қисмини эркин тасарруф этиш имкониятини белгилаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлардан кўшимча иш жойларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни ташкил қилиш энг кам инвестиция талаб қилади ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бизнес-фонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Кичик корхоналар ташкил қилувчини фоизсиз ёки фоиз ставкаси паст бўлган имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хизмат ва шахсий меҳнат тармоқларида ташкил қилиш зарур. Чунки, бу борада иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шунинг учун қўллаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга оширишда биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир қишлоқ ҳудудининг ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамойилига кўра хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли комплекс дастурлар тузиш мақсадга мувофиқ.

Бундай дастурлар аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш юзасидан чоратадбирларни тўғри амалга ошириш имконини беради.

Мустақил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишини, шу жумладан хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестиция оқимлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Қишлоқда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш истикболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республиканинг қишлоқ жойларида ўз кўламлари ва сифати бўйича етарлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келган. Уларнинг қонун ва ҳукумат қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини кам яратилиши, меҳнат унумдорлигини пасайиши, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келиши ҳамда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда ишчи кучига талабни ошириш ва уни таклифини камайтириш бўйича давлат томонидан қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзаёт ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуришни ва яратишни жадал ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш орқали қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш куйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

- қишлоқ жойларида меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш;
  - чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалиги;
  - сут ва гўштни қайта ишлаш соҳаси;
  - мебель, пойафзал ва тикув цехлари ;
  - озиқ-овқат ва қандолатчилик цехлари;
  - маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари цехлари;
  - доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш (кичик технология, маҳсулотларни сотиш бўйича);
  - касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини ташкил қилиш;
- ҳар бир қишлоқ туманида кам таъминланган оилаларни қорамол билан таъминлаш эвазига янги иш ўринлари яратиши.*

### **3.2. Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан**

## самарали фойдаланиш ва меҳнат билан банд этишнинг самарадорлигини ошириш

Мамлакатмизда мустақиллик йиллари давомида қатор иқтисодий ислохотлар ўтказилди. Ўтказилаётган иқтисодий ислохотлардан асосий мақсад иқтисодиётимизни юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар қатори даражасига чиқаришдир. Ана шундай ўтказилаётган ислохотлардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлашдир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «... ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди, балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир»<sup>10</sup>.

Бу эса меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашни, ишсизликни камайтиришни тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакат меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлмаган қисми кўрсаткичи аста-секин ўсиб бориш тенденциясига эга. Бундай ҳолат саноат меҳнатининг тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажминини етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучини талаб ва таклиф ўртасида мутаносиблигини мавжуд эмаслиги, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларнинг иш ахтариш ҳаракатларининг сустлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштиришининг камайиши, интенсиф технология ва кам меҳнат талаб қиладиган техникадан самарасиз фойдаланиш, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги бозор усуллари ҳақида билиларни етарли эмаслиги, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст даражаси, иш билан банд бўлганлар моддий манфаатдорлигинини пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки санаб ўтилган омиллар бозор иқтисодиётига ўтишнинг муқаррар белгиларидир

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида яшаганлиги боис уларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар. Маълумки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга. Ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бири қишлоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мавсумийлигини пасайтириш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишдир.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.- 326-бет.

Наманган вилоятида бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўплаб ислохотлар ўтказилмоқдаки, бу вилоятимизда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун янгича сиёсат амалга оширилмоқда. Вилоятимизда ҳукуватимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифалардан бири бу-меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Наманган вилоятида мавжуд меҳнат ресурсларининг 45 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг онгли, мақсадли меҳнатлари билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг самардорлигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши лозим. Демак, уларнинг меҳнатлари унумли бўлиши керак. Бу эса тармоқнинг ривожланишини таъминлайди.

2015 йилнинг якуни билан вилоят аҳоли сони 2603,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49,0 минг кишига кўпайди ёки 101,9 фоизни ташкил этди. Шундан меҳнат ресурслари сони 1515,1 минг нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 фоиз (8,4 минг)га ортди.

Иқтисодий фаол аҳоли 1021,2 минг кишини ташкил этди, шундан банд аҳоли 968,8 минг нафар ва 52,4 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганлар.

Ҳисобот даврида «Бандликка кўмаклашувчи» марказларга жами 27761 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этдилар. Шундан 26547 нафари (95,6%) иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш билан таъминланди.

Вилоятда ишсизлик даражаси 5,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 пунктга камайди.

Лекин, ҳисобот даврида Мингбулоқ (5,7%), Косонсой (5,7%), Уйчи (5,5%), Чортоқ (5,5%) ва Чуст (5,5%) туманларда ишсизлик даражаси вилоят даражасидан юқори бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли, Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 9 декабрдаги 152/27-4-сонли Қарорлари билан тасдиқланган тасдиқланган “2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” асосида 2015 йил якуни билан 75330 та иш ўрни яратилиши белгиланиб, ҳақиқатда 75709 та иш ўринлари яратилди, ёки режа 100,5 фоизга бажарилди.

Шундан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 18608 тани ташкил этди.

Жумладан,

Саноатда 8729 та;

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида 2664 та;

қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, узумчиликда 2700 та,

Ишламасдан турган корхоналарни фаолиятини тиклашда 4515 та;  
Бундан ташқари  
тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил  
этиш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобида 18935 та;  
якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 8328 та;  
уй меҳнатини ташкил қилишда 27478 та;  
деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил тиклашда 2360 та  
масъул: вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Фермерлар  
Кенгаши) иш ўринлари ташкил этди.

Яратилган иш ўринларининг 28355 таси хотин-қизларга, ёшларга  
36720 та, шу жумладан 19414 таси касб-хунар коллежи битирувчиларига,  
9862 таси чет элдан қайтган мигрантларга ажратилди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари миқдори  
ва салмоғининг пасайиши республикада амалга оширилаётган аграр-  
иқтисодий сиёсатнинг маълум даражадаги натижасидир. Меҳнат  
ресурсларини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатининг унумдорлигини  
ошириш мақсадида республикамиз Президенти И.Каримов саноатни  
қишлоққа олиб бориш зарурлигини асослаган ҳолда исботламоқдалар. Шу  
мақсадда узоққа мўлжалланган турли хилдаги чора-тадбирлар ишлаб  
чиқилиб, уларни босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор  
берилмоқда. Қишлоқ жойларида саноат корхоналарининг ишга туширилиши  
натижасида қишлоқларда яшаётган меҳнат ресурсларининг сезиларли қисми  
иш билан таъминланди. Бу уларнинг оилалари реал даромадлар билан  
таъминланишини юксалтирмоқда. Улар республикада автомобилсозлик,  
ёқилғи, тўқимачилик саноатининг барпо этилишини ҳамда ривожланишини  
таъминламоқда.

Юқоридаги ижобий натижаларга асосланган ҳолда вилоятнинг қишлоқ  
худудларига саноат корхоналари ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатувчи  
ташкilotлар барпо этиш ишлари изчиллик билан амалга оширилиши  
мақсадга мувофиқдир. Бу жараён қишлоқ худудларида ишлаб чиқариш  
кучлари оқилона жойлашишини таъминлашга ҳам ижобий ҳисса қўшади.  
Натижада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффицентининг ошиши ҳам  
таъминланади.

Қишлоқ худудларида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирилиши  
тармоқдаги меҳнат ресурсларини маълум бир қисмини саноат ва бошқа  
ташкilotларга ўтишига таъсир этмоқда. Шунинг оқибатида қишлоқ  
хўжалигидаги меҳнат ресурсларининг тармоқ ишлаб чиқариш жараёнида  
катнашишини оширмоқда. Яъни уларнинг йил давомида иш билан тўлиқ  
таъминланишини оширмоқда.

Наманган вилоятида меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигини  
ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида  
катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда  
катнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган  
миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга ҳаракат қилади.

Қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, уларнинг меҳнатлари унумдорлигини юксалтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш энг долзарб муаммо ҳисобланади. Бу муаммо муваффақиятли ҳал этилиши учун қуйидаги масалалар аниқланиб уларнинг ечимини таъминлашга қаратилиши лозим:

-қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий миқдорини, истиқболда унинг ўзгариш (кўпайиш, камайиш) даражасини аниқлаш;

-қишлоқ ҳудудларидаги барча тадбиркорлик шаклларида қисқа ва узок муддатга бўш бўлган иш жойлари миқдорини мутахассислик турлари бўйича белгилаш;

-қисқа ва узок муддатга бўш бўлган иш жойларини ишловчилар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни асосланган ҳолда ишлаб чиқиш (кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ...);

-амалга оширилиши лозим бўлган ҳамма тадбирларни, барча ресурслар билан таъминловчи ишларни амалга ошириш;

-иш билан таъминланмаганларнинг умумий миқдорини аниқлаш, уларни иқтисодий, ижтимоий ҳимоялаш бўйича меъёрий тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва бошқалар.

Таъкидланган муаммоларнинг самарали ҳал этилиши меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлганлар билан меҳнат жараёнини ташкил этувчи субъектлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ҳимоялашни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасида иқтисодий муносабатлар амалга оширилишини тақозо этади.

Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

-тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш;

-тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;

-қишлоқ хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш;

-қишлоқда тадбиркорлик шаклларини ривожлантириш;

-қишлоқда ишлаш ва яшаш учун барча шароитларни яратиш;

-меҳнатни ташкил этишнинг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

-кадрларни тайёрлаш, малакаларини ошириш, уларнинг моддий, маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Бу каби чора-тадбирларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этилиши тармоқдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаб, меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир этади

Наманган вилоятида мавжуд меҳнат ресурсларининг 45 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг онгли, мақсадли

меҳнатлари билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг самардорлигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши лозим. Демак, уларнинг меҳнатлари унумли бўлиши керак. Шу билан меҳнат унумдорлиги тушунчаси пайдо бўлмоқда. Меҳнат унумдорлиги деганда фойдаланилаётган техникалар, технологиялар ёрдамида бир бирликдаги маҳсулотни етиштириш, ишни бажариш учун сарфланадиган вақтнинг миқдорини назарда тутиш лозим. Бу «Меҳнатни тежаш» иқтисодий қонунининг амал қилишидан далолат беради. Меҳнат унумдорлигининг амалиётдаги тушунчаси ҳам мавжуд. Яъни сарфланаётган бир бирликдаги вақт ичида яратилган қиймат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш меҳнатнинг унумдорлик даражасини ифодалайди. Меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги бу тушунчалар бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат онгли, мақсадга йўналтирилган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Бу эса тармоқнинг ривожланишини таъминлайди.

### ***3.3. Хорижий мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш борасидаги тажрибалари***

Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда халқаро тажрибани ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг шакл ва усулларидан жаҳон тажрибаси асосида самарали фойдаланиш қишлоқларда аҳолини иш билан таъминлашни оширади. Халқаро тажрибаларни ўрганишда тўлиқ иш билан бандлик, иш билан бандлик кафолати, иш ўринларининг сақланиши ва ривожланишига қаратилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти фаолиятини алоҳида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг иш билан бандлик йўналишида олиб бораётган сиёсатлари меҳнат бозорининг мослашувчанлик концепциясига таянади. У ўз ичига ишчи кучининг ҳудудий ва касбий тайёргарлигини, ёлланиб ишлаш, ишдан бўшатиш, корхоналараро ишчи кучларининг сафарбарлиги, иш вақтининг бошқарилиши бўйича ишчи кучининг мослашувчанлик кўрсаткичларини қамраб олади. Масалан, Швецияда миллий даромаднинг солиқ ва давлат харажатлари асосида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, иш билан бандлик ҳолатини бир маромда ушлаб туриш бўйича олиб борилувчи дастурлар (жамоат ишларини ташкил этиш, иш ўринларини ташкил этиш ва ҳ.к.)ни ишлаб чиқишда давлат органларининг ўрни катта бўлса, АҚШда давлат органларининг аҳолининг иш билан бандлигини назорат қилишга бўлган таъсири минимал даражагача пасайтирилган.

Хорижий мамлакатларнинг иш билан бандлик моделлари орасида АҚШ, Швеция (Скандинавия), Европа, Япония ва Хитой моделлари алоҳида ажратилиб кўрсатилади.

“АҚШ моделида” меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмига ишлаб чиқариш самараси паст ва ўз-ўзидан кичик даромадга эга бўлган иш жойларини ташкил этишга қаратилган сиёсат юритилади. Бундай сиёсатни

олиб бориш ишсизликни паст даражада ушлаб туриш, ҳукумат органлари томонидан унга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган молиявий ва иқтисодий қаршилиқ вазиятларининг учрамаслигига олиб келади.

**“Швеция (Скандинавия) моделида”** ишчи кучининг барча гуруҳ вакиллари учун давлат секторида ўртача (қоникарли) меҳнат ва даромад шароитларини барпо этишга қаратилган. Ушбу сиёсатнинг камчилиги – даромадларнинг камайиши ёки чекланиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва иш ўринларининг кескин қисқаришига олиб келувчи ҳукумат молиявий воситаларига бўлган қарамликдадир.

**“Европа моделида”** ҳукуматнинг иш билан бандлик сиёсати ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бораётган бир пайтда, иш билан бандлар сонининг камайтирилиши ва ўз-ўзидан иш билан бандлар сонининг даромадларининг кўтарилишига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бундай сиёсат ишсизларнинг ортиб борувчи қисмига кўп харажат талаб қилувчи тизимни барпо қилишни талаб этади. Ушбу сиёсатнинг салбий томони – узоқ давом этувчи ишсизлик ва у билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва молиявий тўсиқларнинг кўп учрашидир.

**“Япон моделида”** аҳоли иш билан бандлигининг давлат томонидан нафақат шаҳар, балки қишлоқ ҳудудларидаги иш билан бандлик ҳолатлари ўрганилиб, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашга катта эътибор берилади. Ишчи ва ходимларнинг нафақа ёшига етгунга қадар, яъни умрбод ёлланиб ишлашига қаратилган иш билан бандлик тизими (айниқса, қишлоқ ҳудудларида) кенг тарқалган.

**“Хитой моделида”** қишлоқ ҳудудларидаги иш билан бандлик, қишлоқ иқтисодиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатлари орасида иқтисодиёти жадал ривожланаётган Хитой қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини ўрганиш ва республика иқтисодиёти учун мос бўлган йўналишларини аниқлаш ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқариш республика қишлоқ хўжалигида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Чунки, Хитой қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг айрим хусусиятлари билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларга ўхшаш томонлари мавжуд. Шу сабабли, улардаги айрим ижобий жиҳатларини қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш мумкин. Хусусан, Хитой ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳасига етарлича инвестиция маблағлари ажратган бўлиб, унинг интенсив ривожланишига катта эътибор беради. Сўнгги йилларда Хитойда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун сарфланган инвестициялар миқдори ошиб борган. Жумладан, 1995-2002 йилларда жами қишлоқ хўжалиги учун ажратилган инвестицияларнинг 63-72 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун сарфланган инвестицияларнинг 30-33 фоиз қишлоқ хўжалиги қурилишига жалб этилган, қишлоқ қурилиши учун ажратилган маблағлар, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун етарли шарт-шароитларни таъминлаб бериши билан эътиборни тортади.



Маълумотларга кўра Хитойда сўнгги 12 йил давомида қишлоқ хўжалиги улуши ялпи миллий даромадда деярли 2 марта қисқарган. Бироқ, қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган аҳоли салмоғи атиги 10,2 фоизга қисқарган холос. Хитой қишлоқ хўжалигида юқори даражада иш билан бандликнинг сақланиб қолиши, сўнгги йилларда қишлоқ аҳолисининг даромадлари етарли даражада ўсиб бораётгани билан изоҳланади. Бу эса аҳолиси кўп бўлган мамлакатда оқилона иш билан бандликни таъминлашда муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлигини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрларнинг қаттиқлиги даражасига кўра улар қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатилади:

– иқтисодиётида либерал бошқарув моделига амал қилувчи мамлакатларда, иш берувчилар иқтисодий мақсадларига кўра ишга қабул қилиш (АҚШ, Буюк Британия, Ирландия, Канада, 1990 йиллардан бошлаб Австралия ва Янги Зеландия мамлакатларида) сиёсатини қўллайдилар. Аксарият Европа мамлакатлари (Германия, Франция, Туркия, Италия, Греция)да, меҳнат муносабатлари сақланган модель асосида фаолият юритувчи иш берувчилар зарур бўлган ишчи кучи сонидан фойдаланишда катта миқдордаги чекловларга дуч келишмоқда;

– ўрта гуруҳ рўйхатига қолган барча мамлакатларни киритиш мумкин, бунга сабаб уларда қаттиқ чеклов чоралари юзага келувчи бандликни ҳимоялашга йўналтирилган қонунчиликнинг қайсидир соҳаси бошқа соҳалардаги либерал қонунчилик билан мутаносибликда бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, иш билан бандликни тартибга солишнинг шакл ва усулларининг танланиши муайян бир иқтисодий давр билан боғлиқдир. Хорижий мамлакатларда олиб борилаётган иш билан бандликнинг фаол ва нофаол сиёсатини таҳлил қилиш иқтисодий фаоллик чўққисини забт этган ва доимий ўсиш кузатилаётган давлатларда, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини қўллаб-қувватлашга қаратилган нофаол хусусиятдаги чора-тадбирларга, иқтисодиётнинг инқироз ҳолатида эса кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини юзага келтирувчи ва уни фаол иш қидиришга йўналтирувчи ҳаракатларни келтириб чиқарувчи ҳамда иш билан бандликни таъминлашга эътибор берилганини кўрсатмоқда.

Аксарият давлатларда аграр сиёсат ҳукумат ёрдамсиз самарали фаолият юрита олмаслигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қишлоқ ҳудудларида бюджет воситалари зарур. Бу қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг импортини чеклаш, қишлоқ ҳудудларида иш жойларини ташкил этиш ва сақлаб қолиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигига кўмаклашишнинг турли шакллари татбиқ этган давлатларнинг тажрибаси ҳам фойдадан ҳоли эмас. Масалан, Европа Иттифоқида йирик давлат субсидияларига эга бўлган Германияда ушбу тармоққа бюджетдан ташқари кўмаклашиш усуллари кенг татбиқ этилган.

Аксарият мамлакатларда аграр соҳани молиявий воситалар билан қўллаб-қувватлаш ҳолатлари кузатилади. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари 2001 йил маълумотларига кўра Японияда 69 фоиз, Швецарияда 69 фоиз, Норвегияда 67 фоиз, Жанубий Кореяда 64 фоиз ва Исландияда 59 фоизни ташкил этган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган АҚШ қишлоқ хўжалиги тенденцияси – бу кичик ва ўрта фермерларнинг иқтисодий вазиятининг ошиши, ишлаб чиқариш концентрацияси, меҳнат самарадорлигининг сезиларли ўсишини намоён этади. АҚШда мамлакатда жами иш билан бандларнинг 18 фоиз, ЯИМнинг 13 фоиз аграр соҳага тўғри келади. Давлат томонидан бериладиган субсидияларнинг аксарият қисми йирик фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Масалан, 1995 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда жами субсидияларнинг 70 фоиз аграр соҳа хўжалиқларининг 10 фоиз ташкил этувчи йирик фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг даромадларини қишлоқ хўжалигини субсидиялаштиришга йўналтирилган воситаларнинг ўртача ҳажмига нисбатан фоизларда аниқланганда, ушбу кўрсаткич Япония, Жанубий Корея, Исландия, Норвегия ва Швейцарияда 60 фоиз, Европа Иттифоқида 35 фоиз, АҚШ, Канада, Мексика, Полша, Венгрия, Словакия ва Туркияда 25 фоиз, Австралия ва Янги Зеландияда 5 фоиз ва ундан ортиқ бўлган.

Жиззах вилоятининг аксарият қисми тоғли, адир ва чўл худудларидан иборат эканлигини, Жиззах шаҳри аҳолисининг аксарият қисми дала ҳовлиларига эга эмаслигини, табиат қўйнида дам олиш тобора оммалашаётганлигини ҳисобга олсак, Италия қишлоқ сайёҳлиги тизимини вилоятда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлиги қишлоқ туризмни ривожлантиришга имконият яратиб бериши билан долзарб муаммони ҳал этади.

Асрлар бўйи шаклланиб келган халқимиз тажрибаси ва анъаналаридан ҳамда хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, Жиззах вилояти қишлоқ худудларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, иш билан бандликни тартибга солиш билан муқобил соҳаларда иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш ва кам таъминланганлик даражасини қисқартириш мумкин.

## ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида яшаганлиги боис уларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар. Маълумки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга. Ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бири қишлоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мавсумийлигини пасайтириш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишдир.

Наманган вилоятида бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўплаб ислохотлар ўтказилмоқдаки, бу вилоятимизда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун янгича сиёсат амалга оширилмоқда. Вилоятимизда ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифалардан бири бу-меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Наманган вилоятида мавжуд меҳнат ресурсларининг 45 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг онгли, мақсадли меҳнатлари билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг самардорлигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши лозим. Демак, уларнинг меҳнатлари унумли бўлиши керак. Бу эса тармоқнинг ривожланишини таъминлайди.

2015 йилнинг якуни билан вилоят аҳоли сони 2603,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49,0 минг кишига кўпайди ёки 101,9 фоизни ташкил этди. Шундан меҳнат ресурслари сони 1515,1 минг нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 фоиз (8,4 минг)га ортди.

Иқтисодий фаол аҳоли 1021,2 минг кишини ташкил этди, шундан банд аҳоли 968,8 минг нафар ва 52,4 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганлар.

Ҳисобот даврида «Бандликка кўмаклашувчи» марказларга жами 27761 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этдилар. Шундан 26547 нафари (95,6%) иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш билан таъминланди.

Вилоятда ишсизлик даражаси 5,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 пунктга камайди.

Лекин, ҳисобот даврида Мингбулоқ (5,7%), Косонсой (5,7%), Уйчи (5,5%), Чортоқ (5,5%) ва Чуст (5,5%) туманларда ишсизлик даражаси вилоят даражасидан юқори бўлди.

қишлоқда бандликни таъминлаш концепцияси ва қишлоқ меҳнат бозорини фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ушбу тадбирларда асосий эътибор қишлоқда аҳолининг табиий ўсишига нисбатан янги иш ўринларини яратишнинг турли манбаларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ аҳолисининг самарали бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромад

манбаларини оширишнинг аниқ йўналишларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан:

-қишлоқ меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш ҳамда кенг қамровли мониторингини амалга оширишни йўлга қўйиш;

-қишлоқ жойларда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тامينловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи ва мониторингини амалга оширувчи минтақавий ва маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;

-қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ислохотларни амалга ошириш;

-қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш, ўсмирлар, кўп болалик аёллар, нафақахўрлар ва ногиронлар учун меҳнатни кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;

-аҳолиси кўп қишлоқ ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва хусусий тадбиркорликни турли соҳа ва йўналишлар бўйича ривожлантириш;

-қишлоқ жойларда мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шаклини ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш;

-қишлоқ жойларда фаолият юритаётган турли шаклдаги хўжалик субъектлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўғинларига инновацион замонавий илғор техника ва технологияларни киритиш;

-қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини самарали фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит, муҳит яратиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бозор тамойилларига мос тизимини шакллантириш ва механизмларини такомиллаштириш;

-қишлоқда яшовчи маҳаллий ишчиларнинг касбий малакасини, рақобатбардошлигини ошириш ва уларда янги замонавий иқтисодий маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш;

-қишлоқ жойларда ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини кучайтириш;

-қишлоқда меҳнат бозори ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга солувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хизмат ва шахсий меҳнат тармоқларида ташкил қилиш зарур. Чунки, бу борада иш жойларининг қиймати юқори эмас. Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга оширишда биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир қишлоқ ҳудудининг ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамойилига кўра хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли комплекс дастурлар тузиш мақсадга мувофиқ.

Бундай дастурлар аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш юзасидан чоратадбирларни тўғри амалга ошириш имконини беради.

Мустақил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишини, шу жумладан хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестиция оқимлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Қишлоқда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш истикболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республиканинг қишлоқ жойларида ўз кўламлари ва сифати бўйича етарлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келган. Уларнинг қонун ва ҳукумат қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Қишлоқ жойларида ишсизлик муаммосини хал қилишда қуйдагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ жойларда замон талабларига жавоб берадиган касб-хунар ўргатадиган ўқув марказларини ташкил қилиб, малакасиз ишчи кучларига касб-хунар ўргатиб, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишда ишлаши учун шароит яратиб бериш;
- Қишлоқ ёшларнинг ривожланган малакатларнинг агросаноат корхоналарида малака ошириб ва ишлаб келишларига шароит яратиб бериш;
- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни агросаноат интеграцияси негизида ташкиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга саноатни, қурилишни янада жадал ривожлантириш;
- агросаноат ишлаб чиқариш корхоналари билан кооперация асосида барпо этиладиган касаначиликни ривожлантириш;
- мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жихатидан янги даражага кўтариш, шу асосида қишлоқ аҳолиси, энг аввол ёшларнинг ишга жойлашишни, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошишни таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланишига ишчи кучи талаб ва таклифи уртасида бозор мувозанатини урнатилиши, ёлланма ходимлар ва тадбиркорларнинг касбий – малакавий даражасини ошириш, меҳнатга ҳақ тулашнинг такомиллашуви, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сафарбарлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан

боглик булмаган янги жойларини яратиш учун инвестициялар хажмининг ошиши касаначилик меҳнатининг омаллашуви, шахсий ёрдамчи ва дехкон хужаликларнинг янада кенг ривожланиши, оқилона бандликнинг вужудга келиши, ишсизликни кискартириши ва ижтимоий меҳнат муносабатлари ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирувчи асосда эришиш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: -Ўзбекистон, -2012. –46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи. 2003 йил 25 март.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони,. // Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи. 2004 йил 5 ноябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
7. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқис ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда - Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи. -Т.: Ўзбекистон, Т.1. 2001.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
13. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
14. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи. 2012 йил 18 февраль.
15. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.

17. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

18. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016.

## **2. Илмий адабиётлар ва манбалар**

19. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004.

20. Ильина З.М., Мировицкая И.В. Рынки сельскохозяйственного сырья и продовольствия. –Мн. БГЭУ, 2001.

21. Иванов Л.Н., Иванов А.Л. Методы принятия решений бизнес – плана. –М.: Приор - издат, 2004.

22. Королев Ю.Б. и др., Менеджмент в АПК, –М.: Колос, 2002

23. Минаков И. Экономика сельскохозяйственного предприятия. Учебник. –М.: Колос, 2004.

24. Петранова Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. – М.: Академия, 2003.

25. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. –Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти», 2004.

26. Хушматов С. Қишлоқ хўжалигида технологияларни қўллашдаги муаммолар. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №3. 2005.

27. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Т.: ТМИ нашриёти, 2005. 225 б.

28. Худойбердиев З.Р. Бандлик (Иқтисодий ва сиёсий талқин). (Илмий рисола) Наманган - 2003.103-бет

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. 2010. – 340 бет.

## **3. Статистик манбалар**

30. Янгикўрғон тумани Паспорти. 2016.

31. Наманган вилоятининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. // Статистик тўпламлар. 2012-2015 йиллар.

32. Ўзбекистон рақамларда. // Статистик тўплам. 2015.

**Интернет сайтлари:**



33. <http://family.taukita.ru/item22219310.htm> // Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. –М.: Курс лекции. 2002.
34. <http://shopper.h1.ru/books.shtml> // Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. –М.: «Юркнига». 2014.
35. <http://web.book.ru/cgi-bin> // Королев Ю.Б. и др. Менеджмент в АПК. –М.: электронный учебник. 2014.